

Буюк Британиянинг Исломий хайрия ташкилотлари ўтган йили 24,4 миллиард доллар хайрия қилишди



18:19 / 17.06.2023 1260

Буюк Британияда жойлашган исломий хайрия ташкилотлари британияликларнинг ҳурмати ва ишончини қозониб, маҳаллий ва халқаро мақсадларга улкан ҳисса қўшмоқда.

Ихтиёрий Ташкилотлар Миллий Кенгаши (NCVO) ҳисоботида кўра, Англиядаги ихтиёрий ва жамоат сектори учун қўшимча орган - ҳокимият органлари 2022 йилда 165 000 дан ортиқ хайрия ташкилотлари фаолиятини рўйхатдан ўтказган. Бу ташкилотлар 20,2 миллиард фунт стерлинг (24,4 миллиард доллар) хайрия ишларига ҳисса қўшган. Бу ҳақда kuna.net.kw манбаси хабар берди.

Мусулмон Хайрия Форуми (MCF) кўп йиллик тадқиқот натижаларига кўра, 600 та исломий хайрия ташкилоти Буюк Британия ҳукумати томонидан хайрия ишлари бўйича ўрнатилган талаб ва қоидаларга жавоб берганини аниқлади.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, мусулмонларга йўналтирилган дастлабки

хайрия ташкилотлари 1980 йилларнинг бошида ташкил этилган ва улар асосан 1980 йилларнинг ўрталари ва 1990 йилларда Африка ва Шарқий Европада гуманитар ёрдамга ҳисса қўшиб келган.

Мусулмонлар хайрия форуми томонидан олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, 600 та ташкилот Буюк Британия ҳукумати томонидан хайрия ишлари бўйича ўрнатилган талаб ва қоидаларга жавоб беради. Бу кўрсаткич аввал бошида йигирма бештага яқин эди.

MCF CEOнинг бош раҳбари Фади Итани сўзларига кўра, халқаро мақсадларга йўналтирилган 150 та исломий хайрия ташкилоти ҳар йили тахминан 500 миллион фунт стерлинг (тахминан 625 миллион АҚШ доллари) хайрия ишларига ҳисса қўшгани ҳақида маълум қилган.

«Қирқ еттита ташкилот йилига бир миллион фунт стерлингдан 20 миллион фунт стерлинггача пул йиғиш имкониятига эга», дейди Итани. — Буюк Британиядаги хайрия ишларига эътибор қаратадиган ташкилотларга келсак, бу жараёнда 450 га яқин ташкилот иштирок этди. Улар ҳар йили 150 миллион фунт стерлингдан (тахминан 187 миллион АҚШ доллари) хайрия фаолиятига ёрдам бериш учун ҳисса қўшиб келмоқдалар.